



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш масаласи муҳокама этилди.

Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти 2023 йил 7 июндан бошланиши қайд этилиб, қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди.

Мажлисида:
– Халқ демократик партиясидан **Улуғбек Иноятовни**;
– Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўз-

бекистон либерал-демократик партиясидан **Шавкат Мирзиёевни**;

– Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан **Робаҳон Маҳмудовани**;

– Ўзбекистон Экологик партиясидан **Абдушукур Ҳамзаевни**

Ўзбекистон Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Фарғона вилояти

Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Олмосхон Иноятова 2022 йил 17 август куни тез тиббий ёрдам автомашинасида Фарғона шаҳрига бемор аёлни олиб кетаётганда автоҳалокатга учрайди. ТМЭКнинг кўрик далолатномасига кўра у 70 фоиз соғлиғини йўқотганлиги аниқланади ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланади.

Ҳуқуқ

СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚМОҚЧИ ЭДИ



Аммо масъул ходимлар Меҳнат кодекси талабларини етарли даражада билмасликлари оқибатида иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисага учраган Олмосхон Иноятовага қонунда белгиланган товон ва зарар тўловларини тайинлаш тўғрисида муассасанинг буйруғи чиқарилмайди, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилган суғурта компанияси эса бахтсиз ҳодиса ҳужжатлари етарли эмаслигини баҳона қилиб, суғурта тўловларини тўлашни кечиктириб келади.

Рўй берган бахтсиз воқеани соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекцияси атрофлича ўрганди. Жабрланувчига тўлашни керак бўлган товон ва зарар тўловлари миқдори аниқланди. Иш берувчининг мазкур тўловларни тўлаш тўғрисидаги буйруғи чиқарилиб, суғурта компаниясига бахтсиз ҳодисани суғурта ҳодисаси, деб тан олишни сўраб инспекциянинг кўрсатма хати киритилди.

Ҳолат бўйича Меҳнат инспекцияси томонидан иш берувчи ва суғурта компанияси вакиллари ўртасида икки ой давомида олиб борилган музокара ва тортишувлар натижасида касабаси уюшмалари инспекциясининг аралашуви билан суғурта компаниясидан Олмосхон Иноятовага 58 млн. 967 минг сўмлик товон ва зарар пуллари ундириб берилишига эришилди.

Равшан ФОЗИЛОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lda birlashaylik!

2023-йил
6-июн
seshanba
№ 70 (4822)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета-1991 йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Биласизми?



Тошкент вилояти

Мамнуният

Касаба уюшмасидан мамнунмиз

Узоқ йиллардан буён «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятида ишлаб келаман. Бу даврда комбинат касабаси уюшмасининг ходимлар манфаати йўлидаги саъй-ҳаракатларига гувоҳ бўлдим, ўзим ҳам қатор имтиёزلардан фойдаландим. Кўпчилиكنинг ишончи билан Иброҳимжон Қодиров комбинат касабаси уюшмаси раиси этиб сайлангач, эзгу ишлар кўлами янада кенгайди.

Қисқа вақтда жамоанинг ишонч ва ҳурматини қозонган Иброҳимжон ширинсуханлик, хушмуомалалик билан ходимларга ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ишчилар меҳнат таътилига чиққанда оила аъзолари билан дам олиш масканларига йўланмалар берилса, фарзандлари оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқариши учун амалий ишлар қилинапти. Бир сўз билан айтганда, барча ишчи-ходимлар касабаси уюшмасидан мамнун.

Фурсатдан фойдаланиб, касабаси уюшмаси мутасаддилари ва цех касабаси уюшмаси раисларига сеvimли нашримиз – «Ishonch» орқали миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Дилмидаги гаплар газета саҳифаларидан ўрин олса, нафақат мен, балки бутун комбинат жамоаси беҳад мамнун бўлар эди.

Хуршид ВАЛИБЕКОВ,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти ишчиси



Самарқанд вилояти

Тараддуд

Оромгоҳлар мавсумга тайёр

Самарқанд вилоятида бу мавсумда 82 та оромгоҳ фаолият юритади. Уларда ишчи-ходимларнинг 22650 нафар фарзандини дам олириш кўзда тутилган. 16 та стационар оромгоҳда эса ўн минг нафарга яқин бола соғломлаштирилади.

Бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумининг масъулияти ҳам, кўлами ҳам ўзгача кечмоқда. Президентимизнинг «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, вилоятдаги 12 та болалар оромгоҳи Ўзбекистон касабаси уюшмалари Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфига ўтказилди. Бу масканлардаги тайёргарлик ишлари бевосита жамоат ташкилоти назоратида амалга оширилди.

Соҳадаги янгиликлардан яна бири оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат бўлди. Таъминотга қаратилган тендерда ғолиб чиққан уч нафар тадбиркор зиммасига алоҳида масъулият ва талаблар

юклатилди. Кадрлар шахсий таркибини танлаш ва ўз ўрнига қўйиш масалаларига ҳам жиддий ёндашилди. Хусусан, мавжуд оромгоҳларнинг аксарига талабчан, соҳада етарлича тажрибага эга раҳбарлар танлаб олинишига ҳаракат қилинди. Муҳими, болалар оромгоҳлари фақат ёзда эмас, балки барча мавсумда ҳам фаолият кўрсатишга мосланди. Оромгоҳлар сиғимига қараб янги техника ва жиҳозлар харид қилинди. Тан олиш керак, вилоятдаги оромгоҳларнинг қуввати ҳудуд аҳли болаларнинг атиги уч фоизинигина қамраб олишга етади. Бутун имкониятларни ишга солиб, келажакда қамровни, ҳеч бўлмаганда, 15-20 фоизга етказиш режалаштирилган.

Самарқанд туманидаги «Сафеди» оромгоҳида ташкил этилган анжуманда соғлиқни сақлаш, ички ишлар ва бошқа бир қатор соҳа вакиллари иштирок этди. Мутасаддилар иштирокида ташкилий босқиннинг сўнги жараёнлари, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси (100-модда) мувофиқ, меҳнат шартномаси куйидаги асослар бўйича бекор қилинган тақдирда, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақлашиб қолиши ходимлар учун кафолатланади:

– ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганда;

– ходим иш берувчи билан бирга ишлаш учун бошқа жойга кўчишни рад этганда;

– ходим соғлиғининг ҳолатига кўра, тиббий хулосага мувофиқ соғлиғининг ҳолати бўйича ўзига қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа ишга ўтишни рад этганда ёки иш берувчида тегишли иш мавжуд эмаслигида;

– ташкилот ходимларининг сони ёки штат ўзгарганда, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажми қисқарганда;

– ташкилот тугатилганда;

– малакаси етарли бўлмаганда;

– шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланганда;

– суднинг ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганда.





Тошкент вилояти

«Бизнинг энди ўз уйимиз бор»

Қўлига янги хонадоннинг калити тутқазилган Қўйичирчиқ туманида яшовчи Феруза Раҳимова қувонч кўз ёшларини арта туриб, шундай деди:



«2016 йилда турмуш ўртоғимдан айрилдим. Ушандан кейин қайнонамнинг уйда уч нафар фарзандим билан яшай бошладим. Вақт ўтиб, ижарада яшашга тўғри келди. Битта фарзандим ногирон, у мунтазам қаровга муҳтож. Шу сабабли бирор жойда муқим ишлаб олмадим ҳам. Икки нафари ҳали мактабда ўқийди. Ҳар доим қанийди, ўзимнинг уйим бўлса, деярлик қилардим. Яқин кунларда бизга уй берилишини эшитиб, очғи, авваллига ишонмадим. Кўрсатилаётган ёрдам ва эътибор учун катта раҳмат, бошимиз кўкка етди...».

Дарҳақиқат, яқиндагина Қўйи Чирчиқ туманининг «Беруний» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли уйлardan бири маҳаллий бюджет

жет маблағлари ҳамда ҳомийлар кўмагида таъмирланиб, барча қулайликлар яратилди ва у уй-жойга муҳтож хотин-қизларга топширилди.

Натижада «Аёллар дафтари»даги 10 нафар ҳамда ижтимоий аҳоли оғир бўлган 20 нафар аёл эндиликда ўз хонадонларига эга бўлишди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Қўйи Чирчиқ туманида «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичида жами 3273 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилган. Шу кунга қадар уларнинг 1172 нафари ишга жойлаштирилди, 21 нафарига 246 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчиси бўлмаган, моддий ва тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам берилган бўлса, уй-жойга муҳтож бўлган 19 нафарига ижара тўловлари тўла берилди. Туман ҳудудларида рўйхатга олинган хотин-қизларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Сирдарё вилояти

«Ishonch» газетаси билан узоқ йиллик қадрдонлигим бор. Уйимда кўп йиллик тахламларини сақлайман. Бирор йил йўқки, обуна бўлмаган бўлсам. Вилоятимиз ташкил этилган 1963 йили «Малик» қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрофикациялаштириш техникумининг 3-босқичида ўқирдим.

Муштарий изҳори



«ISHONCH» — кўп йиллик қадрдоним

Касаба уюшма кўмитаси раиси эдим. Ўша йили сентябрь ойида касаба уюшма кўмитаси 1-курултойининг делегати бўлгандим. Касаба кўпчилигининг дарди, ташвиши билан яшайди. Газетанинг руҳи ҳам худди шундай. Шунинг учун ҳам қаерда ишламай «Ishonch» газетасини ўзимга ҳамроҳ тутдим.

1995 йиллари Гулистон туманида ҳоким эдим. «Ленинский путь» деган хўжалик бўларди. Қайта номлайдиган бўлди. Азбаройи газетаси бўлган ихлосим сабаб «Ishonch» газетасининг номи билан атасак-чи, деган тақлиф бердим. Ҳамма бир овоздан маъқулади. Ҳозиргача ўша ҳудуд, маҳалла «Ishonch» дейилади.

2012 йилдан буён «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси бўлиб ишляман. Ҳар йили жамоамиздан ташқари мен ўзим учун сеvimли газетамизга алоҳида обуна бўламан. Шунга эҳтиёж сезаман. Ҳаётимда газетанинг ўрни барибир бошқа.

Ўтбосар АБДИЕВ, «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси

Наманган вилояти

Наманганлик спортчи қизлар — ғолиб

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан спорт мактаблари хотин-қизлари ўртасида мини-футбол тури бўйича «Биз спортчи қизлармиз!» шiori остида ҳудудларда мусобақалар ўтказилди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги спорт мактабларида фаолият юритаётган аёл ходимлар ўртасида ташкил этилган мусобақаларнинг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар Наманганда ўтказилган республика босқичида ўзаро беллашдилар.

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида уюштирилган мусобақаларда 25 ёшдан юқори бўлган, жамоада 3 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган аёл ходимлар куч синашдилар.

Қизғин кечган баҳслар якунига кўра, учинчи

ўрин Самарқанд ва Бухоро жамоаси вакилларига насиб этди, иккинчи ўрин эса Тошкент вилояти вакилларига насиб этди. Мусобақада мутлақ ғолибликни Наманган жамоаси эгаллади.

Мини-футбол бўйича ғолиб хотин-қизлар Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши маблағлари ҳисобидан махсус медаллар ҳамда ҳудудий бирлашган кенгашларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Орзуғул РУСТАМОВА «ISHONCH»

Мусобақа



Қашқадарё вилояти

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши томонидан тумандаги «Зиё чашмалари» болалар оромгоҳида «Биз ёшларга ўрнакмиз!» шiori остида саломатлик спартакиадаси ташкил этилди.



Унда тумандаги маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ҳамда хотин-қизлар фаолларидан иборат жамоалар

иштирок этди. — Спартакиада маҳалла мутасаддиларини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш мақсадида ўтказилди, — дейди



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши раиси Шаҳноза Жалилова. — Қизғин кечган мини-футбол баҳси финалида «Ёшлар етакчилари» жамоаси «Маҳалла раисларини» 5:0 ҳисобида мағлуб этди. Шунингдек, шахмат, волейбол ва гимнастрада беллашувлари ҳам барчага ҳаяжон улашгани билан ёдда қолди.

Яқунда ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

Спартакиада

Биз ёшларга ўрнакмиз!

Бухоро вилояти

«Самарқандга борсам мен агар...»

Самарқанддаги диққатга сазовор жойларга бориш кўпдан бери режамда бор эди. Аммо шароит тақозоси билан ниятим амалга ошмай турганди.



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пешку тумани кенгаши ташаббуси билан мактабимизнинг хотин-қизлари жамоаси учун қадим ва навқирон шаҳарга саяҳат ташкил этилгани мен учун айна муддао бўлди.

Диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлар, қадимий обидалар билан яқиндан танишдик. Шаҳарнинг замонавий бунёдкорликлар билан чирой очган қисми «Самарқанд сити»да кўркам иморатлар, қўлай ва ҳамёнбop хизмат кўрсатиш объектлари, баҳаво ва хушманзара замонавий боғларда сайр қилиб, ҳордиқ чиқардик. Эски шаҳар қисмида эса тарихий обидалар — Регистон майдони, Бибиҳоним мадрасаси, Шоҳи Зинда ва Ғўри Амир мақбаралари, Улуғбек расадхонасида бўлдик.

Самарқанд нафақат қадимий обидалари, балки сўлим табиати, пурвиқор тоғлари билан ҳам сайёҳлар учун жуда қўлай ҳудуддир. Унга рўйи замин сайқали, дея берилган таъриф шундан бўлса керак. Буни Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига борганимизда янада яққолроқ англадик. Сўлим табиат кучоғида мириқиб дам олиб, олам

таассуротлар билан ортга қайтдик.

Мен шу аснода бизга шундай таассуротлар олишимизда кўмакдa бўлган касаба уюшмаларида миннатдорлигимни яна бир карра изҳор этмоқчи эдим.

Миннатдорлик



Гулшод ШУКУРЛЛОВЕВА, Пешку туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси



Сўранг, жавоб берамиз

Вахта усули нима?

САВОЛ: Жияним ишга кирмоқчи бўлаётган корхонада вахта усулида ишланар экан. Вахта усули ўзи нима, унда ишлаш тартиби қандай?

Нилуфар ЎТАГАНОВА Қарши шаҳри

ЖАВОБ: Вахта усулида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексига алоҳида белгиланган.

Жумладан, вахта усулида ишлаш ходимларнинг доимий яшаш жойига кунлик қайтишни таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг доимий яшаш жойидан ташқарида меҳнат жараёнини амалга оширишнинг алоҳида шаклидир. Агар вахта объектида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходим ҳар кунни ўз доимий яшаш жойига қайтиш имкониятига эга бўлса, бундай ишни бажариш вахта усулида ишлаш ҳисобланмайди.

Вахта усулидаги ишларга жалб қилинадиган ходимлар ишларни бажариш объектида бўлиш даврида иш берувчи томонидан махсус ташкил этиладиган, мазкур ходимларнинг ишларни бажариши вақтида ҳаёт фаолиятини ва сменалар ўртасида дам олишини таъминлаш учун мўлжалланган бинолар ва иншоотлар мажмуидан иборат бўлган вахта шаҳарчаларида ёхуд шу мақсадлар учун мослаштирилган ва иш берувчининг ҳисобидан ҳақи тўланадиган ётоқхоналарда ва бошқа тураржойларда яшайди.

Ўн саккиз ёшга бўлган ходимлар, ҳомиладор аёллар, уч ёшга бўлган бола парваршини амалга ошираётган ота-онандан бири, тиббий хулосага мувофиқ, вахта усулидаги ишларни бажаришига қарши кўрсатмалар бўлган шахслар вахта усулида бажариладиган ишларга жалб қилиниши мумкин эмас, алоҳида ҳолларда айрим объектларда вахтанинг давомийлиги уч ойга қадар узайтирилиши мумкин.

Вахта усулида ишлашда иш вақти ва дам олиш вақти иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган ва амалга киритилгунга қадар икки ойдан кечиктирмай ходимлар эътиборига етказиладиган жадвал билан тартибга солинади.

Вахта усулида ишловчи шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш вахта вақтида бажарилган иш учун ҳақ тўлашни, вахтада ортиқча ишланган вақт учун вахталар ораллигидаги кўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлашни ҳамда вахта усулида ишланганлик учун устама ҳақни ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳужжатларда назарда тутилган ўзга тўловларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади.

Булардан ташқари, янги қонунчиликда вахта усулида ишловчи шахсларнинг иш вақтини ҳисобга олиш, иш вақтидан ташқари ишлар, меҳнат ва дам олиш режими, ходимларга йиллик меҳнат таътили бериш билан боғлиқ ва бошқа бир қатор масалаларнинг ўзига хос хусусиятлари қатъий белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИГА ЙЎЛ

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони шундай имкон яратмоқда

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан икки бараварга, кам таъминланган оилалар қамрови беш бараварга кўпайди. Шунингдек, ногиронлиги бор шахслар ва уларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда ҳам меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳамда давлат ҳимоясида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган ва бу бўйича қатор муҳим вазифалар кун тартибига чиққан эди.

Президентимизнинг «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида ҳам бу ҳусусда алоҳида тўхталиб ўтилди.

Эндиликда Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилади.

Тан олиш керак, ижтимоий ҳимоя масаласи бир неча йилдан бери ўз ечимини кутиб келаётган долзарб масалалардан бўлиб, бу фақат пул бериш билан чекланиб қолаётганди.

Давлатимиз раҳбари тизимнинг вазифаси аслида аҳолини оғир

аҳволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун кўмак беришдан иборат бўлиши кераклигига эътибор қаратди.

Маълумотларга кўра, ҳозир оғир вазиятга тушган 30 та тоифадаги 9 миллион аҳоли бор. Булар – ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, оилада зўравонликка учраган аёллар. Эндиликда ижтимоий хизматлар



соҳаси буткул қайта кўриб чиқилади ва ҳар бир маҳаллада профессионал ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар ижтимоий хизматларни манзилли асосда кўрсатади.

Оғир ҳаётий аҳволга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида «ижтимоий хизмат иши» очилади. Ушбу оилаларнинг шарт-шароити яхшиланади, уларга даволаш, дориларни етказиш, фарзандларини боғча ва мактабга жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Оғирроқ вази-



Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ятдаги оилаларга психологик ёрдам ҳам берилди. Уларнинг ҳаёт сифати амалда яхши томонга ўзгаргандан кейингина «ижтимоий хизмат иши» ёпилади.

Туманларда ижтимоий хизматларни «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатадиган ижтимоий хизматлар марказлари; психолог, ҳуқуқшунос, ижтимоий ходимдан иборат «мобиль гуруҳлар»; зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича «call-markaz»лар ташкил этилади. Шунингдек, қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун ҳам ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш хизмати кенгайтирилади.

Туғруқ таътилдаги аёллар учун онлайн ишлаш тизими жорий этилади. Болаларни васийликка олиш тизими, васийларни танлаш мезонлари ва мониторинг қилиш тартиби тўлиқ ўзгаради.

Ногиронлиги бор оила аъзосига қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи тўлаш тизими жорий қилинади. Ушбу тоифадаги одамларни бизнесга жалб қилиб, даромад топишга ўргатган, уларнинг махсултини реализация қилишга кўмаклашган тадбиркорларга имтиёз ва афзалликлар берилди.

Умуман олганда, ушбу масала бир неча маротаба кўп муҳокама қилинган, бу бўйича парламентга ўз таклифларимизни билдирган эдик. Мана, ниҳоят, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг орзу-умидлари рўёбга чиқадиган бўлди.

Таҳлил

Сирдарё вилояти

«Ishonch»га жавоб берадилар...

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН



«Ishonch» газетасининг 2023 йил 14 февралдаги сониди «Шоҳбекатсиз шаҳар» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган эди.

Сирдарё вилояти Транспорт бошқармаси ушбу мақолага қуйидагича муносабат билдирди:

лараро-шаҳарлараро йўналишларда ҳаракат қилаётган транспорт воситалари учун хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Мазкур «Гулистон автошоҳбекати» МЧЖга қарашли автостанция жорий йилда жамият томонидан капитал таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Президентнинг 2023 йил 16 февралдаги «Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 10-илоvasи билан «Гулистон шаҳрида жамоат транспорти тизимини тақомиллаштириш бўйича йўл харитаси тасдиқланган.

Ушбу йўл харитага асосан «Гулистон шаҳрининг транспорт ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқиш», жумладан, вилоятимиз маркази Гулистон шаҳрининг жамоат транспорти тизимини тақомиллаштириш, янги йўналишлар ташкил этиш, жамоат транспортининг ҳаракат таркиби паркинги янгилаш, электрон ва табақалаштирилган тўлов тизимини жорий этиш, қатновлар мунтазамлиги, ҳаракат хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш сифа-

тини ошириш, жамоат транспорт йўналишлари тармоғини ишлаб чиқиш, автобус бекатлари ва автошоҳбекатлар куриш каби муҳим жиҳатларни бошқарма-бошқич ривожлантириш кўзда тутилган.

Гулистон шаҳрининг транспорт ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқишда бевосита шаҳар ҳудудидаги автостанция ва автошоҳбекатлар жойлашуви алоҳида эътиборга олиниши назарда тутилган.

Бугунги кунда Гулистон шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент давлат транспорт университети ўртасида Гулистон шаҳрининг транспорт ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқиш бўйича шартнома имзоланган ва бйрамчи ишлар бошлаб юборилган.

Сирдарё вилояти Транспорт бошқармаси бошлиғи М.С.УЮНОВ

Бугунги кунда Гулистон шаҳрида учта автошоҳбекат (Гулистон темирйўл вокзалининг икки ён тарафида ва янги бозор ҳудудида) мавжуд бўлиб, жамоат транспортлари шаҳар ичи ҳамда «Гулистон – Сирдарё», «Гулистон – Янгиер», «Гулистон – Гагарин», «Гулистон – Пахтаобод», «Гулистон – Боёвут» йўналишларида ҳаракатланмоқда.

Бундан ташқари, Гулистон шаҳри Тошкент кўчасида жойлашган автостанция ҳам бугунги кунда шаҳар аҳолисига ва шаҳар меҳмонлари учун хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ушбу автостанция халқаро аҳамиятдаги М-34 автомобиль йўли орқали ўтувчи шаҳар атрофи, вилоят ичи шаҳарлараро ва вилоят-

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси таҳририят иш юритувчиси Муҳайё Куроббоевага отаси **Эргашбой Мамадзимович ДАДАБОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТРАНСПОРТДА

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Мулоҳаза



Сўнги пайтларда аҳолиси тобора кўпайиб бораётган Тошкент шаҳрида йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида метрополитеннинг янги йўналишлари ишга туширилди, шунингдек, автобуслар сони кўпайтирилди. Натижада уларнинг аксарияти жадвал бўйича ўз вақтида қатнайдиган бўлди. Шунга мутаносиб равишда автоуловлардаги тирбандликлар ва бекатларда уларни узоқ кутишлар камаё бошлади.

Бу янглиғ ижобий ўзгаришларнинг барчаси кўпчилик қатори шаҳарнинг турли гушаларидаги ижарага олинган хонадонларда яшайдиган талабалар мушкулини ҳам анча осонлаштирди. Зеро, эндиликда улар ўзлари ўқийдиган институт ёки университетга ортиқча вақт йўқотмай ва кечикмай бориб-келиш имконига эга бўлишди. Бироқ аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида диққатга молик ишлар амалга оширилаётган бир пайтда айрим ҳайдовчилар ва чиптачиларнинг йўловчиларга нисбатан муомаласи ва муносабати ҳамон ўзгармаётгани кишини таажжубга солади.

Масалан, мен икки йилдан буён Тошкентда ўқийман. Ҳар кун камиди 2-3 марта жамоат транспортига чиқаман. Шу боис қайси автобус қаерга боришини, қай бир ҳайдовчи уни қандай бошқаришини ва қайси

бекатларда тўхтамай ўтиб кетишини, қайси чиптачининг хулқи қанақалигини яхши билман. Бундан ташқари, ўқишга ёки амалиётга бораётганимда ҳар хил воқеаларга дуч келаман.

Утган йили 17-йўналишли автобуснинг икки нафар чиптачисидан роса безор бўлгандим. Уларнинг бири эркак киши бўлиб, қизларга ҳар хил имо-ишоралар орқали шилқимлик қиларди. Иккинчиси – ўрта ёшдаги аёл эса фақат русча гапирар, бирорта йўловчи гапини тушунмас, ўзича бидирлаб, уни «чиройли сўзлар» билан ҳақоратларди. Ҳолбуки, бу аёл, аввало, бизнинг юртимизда ўзбек тили давлат тили эканлигини билиши ва ҳурмат қилиши, у жамоат транспортда ҳам қўлланишини ёдда тутиши шарт эди. Иккинчидан, мабодо, ўзбек тилини билмаган-тушунмаган тақдирда ҳам, чиптачи ва аёл киши эканлигини, жамоатчилик билан мулоқотда ҳушмуомалали бўлиши кераклигини унутмаслиги зарур эди.

Баъзи бир чиптачиларнинг кулоқчин тақиб олган ёшларга «Хов, гаранг!» деб мурожаат қилишганини ҳам кўп кўрганман. Тўғри, бу ўринда ўша йигит-қизларни ҳам олпоқ деб бўлмайдми. Уларнинг кўча-кўчаларда ва жамоат жойларида қўл телефонларида гаплашиш билан андармон бўлишлари ёки кулоқчин тақиб олиб, ён-атрофдагиларга эътибор бермасликлари одобдан эмас. Лекин бу ҳеч кимга уларни «гаранг» деб камситиш, етти ёт беғоналар олдига мулзам қилиш ҳуқуқини бермайди. Чиптачи ҳар қандай вазиятда ҳам ҳушмуомалали бўлиши, жамоат

транспортидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини бузганларга бунни ётиги билан тушунтириши лозим.

Табиийки, бу гаплар автобус ҳайдовчиларига ҳам тааллуқли. Сўзимнинг исботи сифатида мисол келтираман. Бир сафар рўзгорга ул-бул нарсалар олиш учун уч дугона бозорга отландик. Шу мақсадда 24-йўналишдаги автобустга чиқдик. Унинг олд қисмида тик туриб кетар эканмиз, ҳайдовчининг хурмача қилиги беихтиёр диққатимизни ўзига тортиди. У чап кўли билан рулни бошқарар, ўнг кўли билан эса ёнида турган кўзлари сузук аёлнинг гоҳ биллагини, гоҳ сочларини силаб кўярди.

Биз бу беодоблики кўриб, қаттиқ ранжидик. Наҳотки, ҳайдовчи хизмат вазифасини бажараётганини унутган бўлса? Наҳотки, ортиқча ҳиссиётларга берилиб, хатога йўл қўйиши, оқибатда бир қанча йўловчилар ҳаётини хавф остида қолдириши мумкинлигини билмасми? Қолаверса, автобустга туриб ёшдаги одамлар чиқади. Ҳайдовчи уларнинг олдига ўз қилимидан уялмасмикин? Жилла курс, бундай шармандали қилигини кўриб-билиб бораётган ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини билмасмикин?

Яқинда 38-йўналишли автобустда ҳам худди шунга ўхшаш нохуш воқеага такроран дуч келдим. Чиптачи йигит билан йўловчи қизнинг ўзаро «ишқий» муносабатларини баён этишга тилим бормайди. 19-йўналишли автобус ҳайдовчиси эса ешроқ қиз билан ўзаро пичирлашиб бораётган эди. Иккинчининг сўхбати шу қадар қизиган эканки, ҳайдовчи набирасини рўпарадаги бошадан

олиб чиққан кекса кишининг «хай-хай»лашига ҳам қарамай, эшикни беркитиб, йўлга тушди. Отаҳон жаҳл билан қўл силтаганига ҳам, нималардир деб қичқирганига ҳам парво қилмай, қиз билан сўхбатини қолган жойидан давом эттирди...

Яна бир гап. Маълумки, жамоат транспортдан фойдаланувчи мактаб ўқувчилари, талабалар, нафақадагилар ва ногиронларга йўл ҳақини тўлаш учун чегирма асосида АТТО карталар жорий этилди. Лекин айрим ҳайдовчилар ва чиптачилар неғадир бунини ҳамон тан олишмаяпти. Улар, аввало, талабалик гувоҳномагизни сўрашади, уни кўрсатсангиз, «Ёз келди, ўқиш тугаяпти. Мен сизни юқори бошқича ўтган-ўтмаганингизни билмайман. Яхшиси, йўлқирани тўланг», деб туриб олишади. Агар «Имтиёзли карта бор-ку, нега яна тўлашни керак?» десангиз, балога қоласиз. Кўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек, улар автобустдаги одамлар олдига «Тарбиясиз, гап қайтарिशга уялмайсанми?» дея сизни ҳақоратлашга ўтадилар. Баъзи талабалар, айниқса, қизлар уялганидан дарҳол пулни тўлайдилар. Борди-ю, бу ҳақда ишонч телефони орқали арз қилмоқчи бўлсангиз, ё ҳеч ким гўшакни кўтармайди, ёки «Нотўғри рақам тердингиз» деган жавобни эшитасиз.

Бу билан биз пойтахтимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, йўловчилар учун яратилаётган қулайликлар ва шарт-шароитлардан кўз юммоқчи эмасмиз. Негаки, бундай замонавий автобуслар, арзон нархлар, имкониятлар ва имтиёзлар вилоятларимизда деярли йўқ. Биз бунини эътироф этган ҳолда, кўпчиликнинг дилдаги истакни билдирмоқчимиз. Яъни тошкентлик автобус ҳайдовчилари ва чиптачилари ўз вазифаларини бажариш жараёнида мижозлар билан ҳамшиша ширин муомалада бўлиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданияти янада яхшиланишига ўз ҳиссаларини қўшсалар, нур устига нур бўларди.

Гулшаной АЛИЖОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



Яқинда «Очиқ эшиклар ҳафталиги» муносабати билан пойтахтимиз театрларида қўйилиши режаланган спектакллар рўйхатини кўздан кечириб, қувониб кетдим. Чунки унда биз кутган «Усмон Носир» спектакли Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри репертуарига киритилгани қайд этилганди. Шу боис дугунам билан ўзимиз амалиёт ўтаётган тахририятдан чиқишимиз биланоқ театрга шонилдик. Йўл-йўлакай бу шоир ҳақида сўхбатлашиб кетдик.

ШОИРНИ УНУТМАГАН БОҒЛАР

Дарвоқе, миллий адабиётимизнинг оташин шоири, таржимон ва драматург Усмон Носир қисқа умр кўрган бўлса-да, ўзидан улкан ижодий мерос қолдириб кетди. Туроб Тўланинг ёзишича, бу ижодкор адабиёт оламига шундай тўполон ва тўлқин билан кириб келдики, унча-мунча шеърини услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда «Ўзбекнинг Лермонтови» дейишган, Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишган. Бироқ Усмон Носир айна ижодий куч-қувватга тўлган чоғида қамалиб, қатъон қилинади. Чунки муштабид тузум оташқалб, ватанпарвар ва миллатпарвар шоирларни ўзининг ашаддий душманлари деб биларди. Уларнинг оёғига болта уришда эса энг яқин дўстлари ва биродарларидан фойдаланарди. Мана шундай иккиюзламачи, тузини еб, орқасидан пичоқ урадиган, дўст дейишга тилинг ҳам бормайдиган нобакор кимсалар туфайли не-не ўзбек ўғлонлари ёруғ дунёни жуда эрта тарк этишди.

Кўрқоқ ва товламачи кишилар ўз жонини сақлаб қолиш учун Усмон Носирга ҳам хиёнат қилишган. Шоир ҳаёти ва ижодиға бағишланган саҳна асарини кўриш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдим.

Спектакль учун шоир ҳаётидаги энг қизиқарли ва аҳамиятли воқеалар саралаб олинган. Асар аввалида мусиқа жўрлигида шоирнинг «Юрак» шеъри янграйди. Сўнгра саҳнада шеър ўқиган кўйи Усмон Носир пайдо бўлади. Шоир родини Равшан Ибрагимов ўйнаган. У шеър айтаётганида, бош қаҳрамон совуқ қамқоҳнада экани сезилиб туради.

Вақт ўтгани сайин актёр родини янада катта маҳорат билан ижро этишга киришди, мусиқа ҳам шунга ҳамоҳанг равишда янграб, уни тўлдириб турди. Бош роль ижрочиси ва актёр-актрисаларнинг кийимлари, саҳна безаклари ҳамда хар сафар шеър ўқилганда юқоридан сатрлар битилган қоғоз парчаларининг тушиши томоша янада қизиқарли чиқишини таъминлади.

Иккинчи саҳна кўриниши Усмон Носирнинг китоби чиқиши шарофига уюштирилган зиёфат билан бошланди. Дўстлари уни табриклаб, атрофда парвона бўлишди, шаънига илиқ сўзлар айтишди. Афсуски, буюк ижодкор қамқоққа олинган, ўша дўстлари кўзга кўринмай қолишди, бирортаси ҳам қорига ярамади. Шоирнинг ҳибсда ҳўрланиши, муздек қонага қамаб қўйилиши билан боғлиқ ҳолатларни актёр моҳирона ижро этиб, ҳаммамнинг диққатини ўзига жалб қилди...

Ва ниҳоят, саҳнада Усмон Носирнинг волидаи муҳтарамаси пайдо бўлади. Боши ғавғолардан чиқмаётган боласининг аҳволини кўргач, ундан ёзишни бас қилишни, адабиётдан йироқ юришини ялиниб-ёлвориб сўрайди:

– Болам, бу адабиёт беадаб майдон. Фурқатни Ватандан қувди. Муқимийнинг бошини еди. Жон болам, онанг ўргилсин, фақат шу адабиётни қўй. Болажоним, мен ўзим сени қоқаман. Утинаман, Усиним!

Бу тақлифга кўниш эса ижодкор учун тириклайин гўрга киришдек гап эди.

– Йўқ-йўқ, она! – дейди ҳаётининг бир оини ҳам адабиётсиз тасаввур қилолмаган шоир волидасининг илтимосини рад этиб. – Йўқ, она! Адабиётдан кечмоқлик мумкин эмас. Эҳ, онажоним! Адабиёт йўқ, Усмон ҳам йўқ...

Она-боланинг бу мулоқотидан, айниқса, муштипар аёлнинг нола-ларидан томошабинларнинг аксарияти қаттиқ таъсирланди, баъзи-



Таассурот

Фикр

Дийдор соғинчи

ёхуд «онлайн» меҳр ҳеч қачон «офлайн» ўрнини босолмайди

Бир замонлар транспорт воситалари бўлмагани боис одамлар бир-бирининг аҳволидан хабар олиш, олисдаги қариндошлари ёки яқинлари билан дийдорлашиб, дилдан сўхбатлашиб ниятида пой пиёда ёки от, тўя, эшакда йўлга чиқишган. Кейинчалик автомашина, поезд, метро, самолёт ва қайиқ-кемалар пайдо бўлгач, уларнинг мушқуллари анча осонлашиб, кўзланган манзилга тез етиб олиш имкони туғилган. Бироқ ана шундай бир вазиятда ҳамма ҳам қадрдонлари билан тез-тез учрашиб туришга ошиқмайди, ҳатто бир қориндан талашиб-тортишиб тушган жигарлар ҳам бир-бирларини кўп-да соғинаверишмайди. Бунинг сабабини эса кундалик ташвишлари кўплиги, вақтлари зиклиги билан изоҳлашади. Аслида-чи?..

Бугунги давр – технологиялар асри. Жумладан, мобил телефони ёрдамида анча-мунча муаммоларга ечим топиш, узоқдан туриб ўзаро мулоқотда бўлиш, туғилган кун ёки байрамлар билан табриклаш, бир-бирини экранда кўриб турган ҳолда гаплашиш мумкин. Бу бир жиҳатдан яхши, аммо иккинчи томондан одамлар юзма-юз кўришиб, дилдан сўхбатлашадан тобора йироқлаштириётгани билан хатарлидир.

Устига-устак, яқин-яқингача кимдир кўнғирогимизга жавоб бермаса, телеграм орқали ёзма ёки овозли хабар йўллар ва шунга яраша жавоб олардик. Эндиликда қўл телефони орқали мулоқотда бўлиш ва видеодийдорлашув ҳам модадан чиқаётганга ўхшайди. Аниқроғи, бу ҳолат янада сунъийлашиб, меҳрга йўғрилган юзма-юз мулоқотлар ўрнини телефон тугмачасини битта босиш билан жўнатиш мумкин бўлган бир хил андазадаги сийқаса чиққан тайёр сўз-жумлалар эгалламоқда. Кунимиз Интернетнинг телеграм, инстаграм, фейсбук ва бошқа тармоқларидаги турли гиф, эмодзи ва стикерлар орқали «Ассалому алайкум», «Яқшимисиз?», «Сизни соғиндим» деб сўрашишга ва кўнғироч расмлар орқали осонгина савол-жавоб қилишга қолмоқда. Бунинг сабабини кўпчилик одатдагидек яна вақт тигизлиги билан боғламоқда.

Ҳолбуки, қўл телефонлари, компьютер ва Интернет бўлмаган пайтларда бир-биримиздан хабар олиб, гурунглашиб учун имкон топардик. Беморлардан, олис-яқин шаҳар-қишлоқларда яшаётган қариндош-уруғларимиз ва дўст-биродарларимиздан вақтимизни қизганмас эдик. Наҳотки, ахборот технологиялари асридаги қулайликлар туфайли ўртамиздаги ўзаро меҳр-оқибат тобора йўқолиб бораётган бўлса?!

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки кўзимиз кўзимизга тушиб, чин дилдан гаплашишга ҳеч нарса етмайди. Меҳрнинг ўрнини эса Интернет билан тўлдириб бўлмайди! Қолаверса, ҳаммамиз ҳам бир-биримизга ғаниматмиз. Шундай экан, ён-атрофингиздагилардан саватингизни аяманг.



Раъно МАҲКАМОВА «ISHONCH»

лари ошқора йўғлади. Тўғри, ана шундай ҳаяжонли ва ҳазин-дилгир дамларда айрим кишилар қўл телефонида кимлар биландир бемалол гаплашаётганини ёки залдан чиқиб кетишга чоғланаётганини ҳам кузатиш мумкин эди. Бундан қатъи назар, ҳақиқий санъат шайдолари спектаклини мароқ билан томоша қилишди ва ундан катта завқ олишди.

Салкам икки соат давом этган саҳна асари мобайнида актёр ва актрисалар ҳам ўзларига ишониб топширилган ролларини маромига етказиб ижро этиш орқали ўша даврни томошабинлар кўз олдига яққол гавдалантира олишди. Томоша сўнгида шоир тилидан «Боғим» шеъри ўқилди:

**О, у қандай фусункор!
Нур билан тўлган бутун,
Гуллари чаман-чаман
Мен уларни ичаман.
Кўнглимда яшнар баҳор,
Нур билан тўлган бутун,
Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.**

Шубҳасиз, шоир бу шеърни ёзганида янглишмаган. Ҳақиқатан ҳам, уни боғи ҳам, халқи ҳам унутмаган ва унутмайди ҳам. Зеро, спектакль тугагач, театрдан чиқар эканмиз, эшик олдида Усмон Носир родини ўйнаган актёрни ўраб олган одамларни кўрдик. Ёши улғу онахонлар унга раҳмат айтишар, табриклаб, дуо қилишарди. Бошқалари эса «Биз Усмон Носир ижод қилишни яхши кўришни билардик, бугун эса унинг ўзини ҳам кўргандек бўлдик», дейишарди...

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА, ЎзЖОКУ талабаси



Ҳамма ҳам гўзал ва чиройли бўлишни истайди. Айниқса, аёллар. Замонавий косметология эса бу эҳтиёжни янада ривожлантирмоқда. Шифокор-косметолог, дерматолог Фатуза ФАТТҲОВА билан сунъий гўзаллик эҳтиёжи ва бу жараёндаги муаммолар ҳусусида сўхбатлашдик.

Гўзаллик, аввало, табиийликдир

Саломатлик

– Косметология эҳтиёж неча кучаймоқда?

– Аслида бу соҳага ҳамма замонларда ҳам эҳтиёж бўлган. Бугунги технологиялар асри уни юзага чиқаришга имкон яратмоқда. Яна бир жиҳат, бу экология билан боғлиқ бўлиб, табиатдаги салбий ўзгаришлар инсонлар соғлиғига ҳам таъсир кўрсатяпти. Жумладан, эрта қариш, юз терилари қуруқлашиши, ўз навбатида, уларнинг парваршишга эҳтиёжни келтириб чиқармоқда.

Оилавий муносабатлар сабаб ҳам айрим аёллар косметолога мурожаат қилишади. Яъни, кўпчилиги турмуш ўртоғининг бошқа аёлларга илақилишиб қолмаслиги учун янада гўзал бўлишни истаб қолишади. Аммо биз уларга биринчи навбатда психолог кўмак заруригини айтмаймиз. Яъни оилани фақат гўзаллик билангина эмас, самимий муносабатлар, бир-бирини тушуниш, ғамхўрлик ва меҳр билан мустаҳкамлаш муҳимлигини уқтираемиз.

– Ўсмирларнинг сохта гўзалликка ўч бўлиб бораётгани-чи?..

– Бу даврда, асосан, кўпчилик қизларда ўзидан, юзидан норозилик кайфияти кучаяди. Янада чиройли бўлишни, юз-кўзидаги айрим нуқсонларни (улар доғлар, сўгаллар бўлиши мумкин) йўқотишни истайди. Шу билан бирга, таниқли инсонларга тақлид қилади. «Кўзу қоғоқларимни ана у актрисага ўхшатиб қўйинг, яноқларим мана бу блогерникидек бўлсин...» каби мурожаатлар кўпчилигининг боиси ҳам шунда.

Хузуримизга йигит-қизлар шундай мурожаат билан келганида мен аввал улар билан дўстона гаплашиб оламман. Ҳар бир инсоннинг табиий қиёфаси бўлишини тушунираман. «Ҳозир юзларингни тозалаб, парваршилаб қўямиз, секин-секин тўғрилаб бораемиз», дея тўғри йўлга йўналтиришга ҳаракат қиламан.

– Косметологик муолажа неча ёшдан тавсия этилади?

– Биласиз, айрим болаларда туғма нуқсонлар бўлади. Уларни 5-6 ёшдан тўғрилаш мумкин. Баъзиларнинг юзида доғлар, милиумлар, папилломалар, сўгаллар пайдо бўлиб қолади. Юз мушаклари ҳаракатлари кучли бўлгани боис айрим ўсмирларда эрта ажин тушиши, кўпайиши ҳолатлари кузатилади. Бунга вақтида эътибор қаратиш керак бўлади.

Кўнғил-да, янада гўзал бўлишни истовчиларда 18 ёшдан кейин муолажалар ўтказиш мумкин. Шунда ҳам бу амалиётлар ота-онасининг розилигини олган ҳолда бажарилади.

– Кейинги вақтларда пластик жарроҳлик сабаб нохуш ҳолатлар, ҳатто, ўлим билан боғлиқ вазиятлар кузатиляпти. Аслида косметологлар жарроҳлик амалиётини ўтказишга қанчалик ҳақли?

– Ўринли савол. Шу билан бирга, долзарб муаммо. Гап малакасилик ва билимсизлик ҳақида бормоқда. Ҳозир гўзаллик салонларида фаолият юритувчи, уч-тўрт ой курсларда ўқиб, сертификатга эга бўлган косметологлар пластик жарроҳликка қўл уришяпти.

Мен реанимация ва анестезиология соҳасида кўп йиллар ишлаганман. Етарли тажрибам бор. Лекин жарроҳлик амалиётини бажармайман. Чунки – косметологман. Бизнинг вазифамиз асосан мезотерапия жараёна-

рини амалга ошириш. Яъни, пешона ва кўз атрофидаги ажинларни йўқотиш, туғма ёки жароҳатлардан қолган асоратлар, масалан, юз қисмлари, лаблар, яноқлар ва иякларни тўғрилаш, тери остига витаминлар, минераллар, даволоччи моддалар юбориш каби амалиётлар бажарилади. Шунингдек, хуснбузардан қолган доғларни тозалаймиз. Булар терини гўзаллаштириш, ёшартириш, оқартиришга мўлжалланган. Улар тўғри бажарилганда ҳеч қандай салбий оқибатлар келтириб чиқармайди.

Ҳамма косметологлар ҳам бунини тушунайди ёки тушунишни истатамайди. Пул учун қалтис муолажаларга қўл уришади. Натижада эса сиз айтган оқибатлар келиб чиқади, одамларда соҳа мутахассисларига ишонсизлик пайдо бўлади.

Пластик жарроҳликка эҳтиёжи бор инсон, аввало, йўналишни тўғри танлаши керак. Косметология – бу муолажа. Пластик жарроҳлик эса олий маълумотли ва тажрибали мутахассиснинг иши. Шу сабаб мурожаатда адашмаслик лозим. Яна бир бора таъкидлашни истар эдимки, ҳамма гўзал бўлишга, ўзига оро беришга ҳақли. Аммо бу жараён табиийликка ва саломатликка путур етказмаслиги зарур. Зеро, гўзаллик, аввало, табиийликдир.

«Ishonch» мухбири Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА сўхбатлашди



ISSN 2010-5008 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OLYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalarini hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (899-98-20) Andijon viloyati – (998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (998-99) 889-90-31 Jizzax viloyati – (998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (998-99) 889-90-02 Navoiy viloyati – (998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (998-99) 889-90-32 Toshkent viloyati – (998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir A. Haydarov

Musahhihlar D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 21:40 Topshirildi – 22:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «ipoteka banki», Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taбоq. Buyurtma 318 Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 31262 16810 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.